

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Ўзбекистон Республикаси Давлат  
статистика қўмитаси Раиси

Б. Бегалов

« 06 » ноябрь 2019 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



“Kun.uz” сайти Бош директори

М. Асқаров

2019 йил

Ўзбекистон Республикасининг муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда Давлат статистика қўмитасининг фаолиятига оид ахборотларни тезкорлик, аниқлик ва холислик тамойиллари асосида кенг жамоатчиликка ёритиш бўйича “Kun.uz” сайти билан ҳамкорликдаги

### ҚЎШМА ИШ РЕЖАСИ

2019-2020 йиллар учун

№ Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Давлат статистика қўмитаси томонидан шакллантириладиган Ўзбекистон Республикасининг муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини эълон қилиш.	Давлат статистика қўмитаси тармоқ бошқармаларининг ойлик, чораклик ва йиллик таҳлилий статистик маълумотларини тезкорлик, аниқлик ва холислик тамойиллари асосида кенг жамоатчиликка ёритиб борилади.	Доимий	Ахборот хизмати, Давлат статистика қўмитаси тармоқ бошқармалари, “Kun.uz” сайти
2.	Давлат статистика қўмитаси фаолиятига доир янгиликлар, матбуот анжуманлари, давра суҳбатларини ёритиш.	Давлат статистика қўмитаси фаолиятига доир янгиликларни ҳамда матбуот анжуманлари, давра суҳбатлари ва бошқа учрашувларга “Kun.uz” сайти мухбирларини таклиф этган ҳолда фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш.	Доимий	Ахборот хизмати, “Kun.uz” сайти

№ Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.	“Kun.uz” сайти мухбирларининг оғзаки ва ёзма сўровларига жавоб бериш.	Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати “Kun.uz” сайти мухбирларининг оғзаки ва ёзма сўровлари асосида тезкорлик билан қўмита тармоқ бошқармалари томонидан мавжуд ахборотларни тақдим этилишини таъминлаш.	Доимий	Ахборот хизмати, Давлат статистика қўмитаси тармоқ бошқармалари, “Kun.uz” сайти
4.	Статистик кўрсаткичларни қизиқарли ва чиройли дизайнда фойдаланувчиларга етказиш.	Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати ҳамда “Kun.uz” сайти мухбирлари ҳамкорликда муҳим статистик кўрсаткичларни диаграмма, жадвал ва инфографика роликлари кўринишида қизиқарли ва чиройли дизайнда тайёрлаб, фойдаланувчиларга тақдим этиб бориш.	Доимий	Ахборот хизмати “Kun.uz” сайти,
5.	Давлат статистика қўмитаси фаолиятига оид эълонлар, рекламаларни ёритиб бориш.	Давлат статистика қўмитаси фаолиятига оид эълонлар, рекламаларни келишилган нархларда “Kun.uz” сайтида ёритиб боришда ҳамкорлик қилиш.	Доимий	Давлат статистика қўмитаси, “Kun.uz” сайти

**Эслатма:**

1. Ишлаб чиқариш заруратидан келиб чиқиб, мазкур режада кўрсатилмаган бошқа тадбирлар ва мақолалар ҳам тайёрланиши мумкин.
2. Ижодий ишлаб чиқариш жараёнидан келиб чиқиб, мазкур режага “Kun.uz” сайти ёки Давлат статистика қўмитаси томонидан тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.